Ўзбекистон Республикаси БУХОРО ВИЛОЯТИ КОГОН ШАҲАР ҲОКИМИ Қ А Р О Р И		O'zbekiston Respublikasi BUXORO VILOYATI KOGON SHAHAR HOKIMI Q A R O R I

2018 йил "14" 02 Когон шаҳар 211-сон

Шаҳар ҳудудидаги юридик ва жисмоний шахсларга тегишли автомототранспорт воситалари ва уларнинг тиркамаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 15-сон, 197-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 1-2-сон, 17-модда) мувофиқ шаҳарда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Шаҳар ички ишлар бўлими (Ш.Саидов) белгиланган тартибда ДЙҲХХ органларида рўйхатдан ўтказилган юридик ва жисмоний шахсларнинг транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш ишларини ташкиллаштирсин.

2.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги 1010-сонли қарорига мувофиқ 2018 йил 1 январдан бошлаб транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказишда жисмоний шахсларга тегишли енгил автотранспорт воситаларининг техник ҳолати тадбиркорлик субъектлари-юридик шахслар томонидан ҳам текширилиши мумкинлиги белгиланганлиги инобатга олинсин.

3. Транспорт воситаларини қуйидаги даврийликка мувофиқ техник кўрикдан ўтказилиши белгиланганлиги инобатга олинсин:

а)тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар ва ўтириладиган жойлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалар — бир йилда икки марта;

б)ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан кўп бўлмаган (ишлаб чиқарилган йили ҳам шу жумлага киради) транспорт воситалари (мазкур банднинг «а» кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) — икки йилда бир марта;

в)ишлаб чиқарилган йилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан ортиқ бўлган транспорт воситалари, шунингдек ишлаб чиқарилган вақти аниқланмаган транспорт воситалари (мазкур банднинг “а” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) — бир йилда бир марта;

г) тиркамалар кўрикка транспорт воситаси — шатакчи учун белгиланган муддатларда тақдим этилади;

д)навбатдаги техник кўрикдан ўтказишнинг илгари ўрнатилган муддатлардан қатъи назар, уларни ДЙҲХХ органларида рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) вақтида;

е)уларни ишлаб чиқарилган йилдан қатъи назар, ДЙҲХХ органларида рўйхатдан ўтказилган (қайта рўйхатдан ўтказилган) кундан бошлаб бир йил ўтгач (мазкур банднинг “а” кичик бандида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно).

4.Мазкур қарорнинг 2-банди “а” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларининг техник кўриги:

биринчи марта — 1 мартдан 30 июнгача;

иккинчи марта — 1 сентябрдан 31 октябргача ўтказилсин.

Юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 мартдан 30 июнгача;

Жисмоний шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 январь -31 августгача ўтказилади.

5. Транспорт воситалари ДЙҲХХ органлари томонидан техник кўрикдан ўтказилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланган миқдорларда йиғим ундирилади.

Техник кўрик ўтказилганлиги учун йиғими суммаси тегишли маҳаллий бюджетга ўтказилсин.

6. Техник кўрикни ўтказиш жадвали 1-иловага;

техник кўрикни ўтказиш бўйича комиссиянинг таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Техник кўрикни ўтказиш бўйича комиссия раиси (Б.Ҳамроев)га:

юридик шахсга техник кўрик ўтказиладиган муддатлар тўғрисидаги билдиришнома юбориш;

техник кўрик ташкилотларда, диагностика станцияларида ва техника хизмати кўрсатиш станцияларида иш вақтида, техник назорат постларида иш кунларининг кундузги ва тунги вақтларида ёки ҳафтанинг дам олиш кунларидан бирида ўтказиш;

техник кўрикдан ўтказишда техник жиҳатдан носоз деб топилган транспорт воситасининг, шунингдек техник ҳолати белгиланган талабларга жавоб бермайдиган ёки тегишли рухсатномасиз қайта жиҳозланган транспорт воситаларининг камчиликлари ва носозликлар бартараф этиш бўйича белгиланган тартибда тегишли чораларни кўриш вазифалари юклатилсин.

8.Мазкур қарор “Когон ҳаёти” газетасига эълон қилинсин ҳамда ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

9. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

10. Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш шаҳар ҳокими ўринбосари З.Жумаев зиммасига юклатилсин.

Когон шаҳар ҳокими **Ҳ.Ҳошимов**

UMUMIY BO'LIMI

ASLIGA TO'G'RI

Шахар ҳокимининг 2018 йил "____" февраль
_____-сонли карорига 1-Илова

Техник кўрикни ўтказиш жадвали

Т/р	Юридик шахсларнинг транспорт воситалари	Техник кўрикдан ўтказиш жойлари	Техник кўрикдан ўтказиш мддати	Кўрикка қўйилаётган транспорт воситалари сони		
				Авто	Мото	Тиркама
1	БГПС 10 – вакиллик	БГПС 10 – вакиллик	21.04.2018	106		14
2	УП «Турбодеталь»	УП «Турбодеталь»	04.04.2018	104		9
3	БГПС 9 – вакиллик	БГПС 9 – вакиллик	07.04.2018	12		
4	МК – 1 БНГАТ	МК – 1 БНГАТ	08.04.2018	101		12
5	БГПС 2 – вакиллик	БГПС 2 – вакиллик	10.04.2018	12		2
6	УП кипмонтажсервис	УП кипмонтажсервис	18.04.2018	18		3
7	Электрмонтажчи К (М – 5)	Электрмонтажчи К (М – 5)	21.04.2018	14		1
8	НГСР 6 – вакиллик	НГСР 6 – вакиллик	21.04.2018	31		2
9	Нефтегазмахсусқурлиш УП	Нефтегазмахсусқурлиш УП	21.04.2018	1		1
10	НГСР 2 – вакиллик	НГСР 2 – вакиллик	25.05.2018	9		
11	НГСР 4 – вакиллик	НГСР 4 – вакиллик	25.05.2018	7		2
12	Транспорт ИИБ Бухоро ТИИБ	Транспорт ИИБ Бухоро ТИИБ	19.04.2018	2		
13	Транспорт ИИБ нефт махслотларини ташилишини кзатиш бйича АМБ	Транспорт ИИБ нефт махслотларини ташилишини кзатиш бйича АМБ	19.04.2018	2		
14	Темир йул масофаси ПЧ – 10	Темир йул масофаси ПЧ – 10	01.05.2018	12		2
15	Темир йул алоқа воситачи ШЧ – 9	Темир йул алоқа воситачи ШЧ – 9	01.05.2018	5		
16	ПМС – 17	ПМС – 17	03.05.2018	6		
17	Темир йул ишчилар таъминот	Темир йул ишчилар таъминот	07.05.2018	5		
18	Ихоота дарахт утказиш ва қуриш ПЧЛ	Ихоота дарахт утказиш ва қуриш ПЧЛ	12.06.2018	8		2
19	Узжелдорпасс вокзал	Узжелдорпасс вокзал	11.04.2018	1		
20	Темир йул нон	Темир йул нон	11.05.2018	4		
21	Тем.йул электр ч – ш ЭЧ – 4	Тем.йул электр ч – ш ЭЧ – 4	15.05.2018	13		
22	Темир йул касалхонаси	Темир йул касалхонаси	15.05.2018	3		
23	Вагон Депо	Вагон Депо	16.05.2018	5		
24	Локомотив Депо	Локомотив Депо	17.05.2018	12		2
25	Восстановительный поезд	Восстановительный поезд	19.05.2018	3		
26	Тем.йул тех.матер НОДХ таъминот	Тем.йул тех.матер НОДХ таъминот	18.05.2018	6		
27	Куприксоз	Куприксоз	18.05.2018	6		
28	Тем.иншоот таъмир НГЧ	Тем.иншоот таъмир НГЧ	22.05.2018	4		
29	Бош тиклаш поезди	Бош тиклаш поезди	23.05.2018	5		
30	ВОХР	ВОХР	24.05.2018	3		
31	Тем.йул хизмат Корхонаси ПДМ	Тем.йул хизмат Корхонаси ПДМ	25.05.2018	14		
32	Ёқилғи мойлаш омбори	Ёқилғи мойлаш омбори	29.05.2018	4		
33	Тем.йул сан.эпид ст	Тем.йул сан.эпид ст	30.05.2018	1		
34	Когон почта	Когон почта	31.05.2018	1		
35	Когон шахар газ идораси	Когон шахар газ идораси	31.05.2018	10	3	
36	МЧЖ «Кончи»	МЧЖ «Кончи»	31.05.2018	11		
37	БГГК	БГГК	01.06.2018	12		
38	Когон шахар касалхонаси а/б	Когон шахар касалхонаси а/б	02.06.2018	9		
39	Лкмон хаким хусусий корхонаси	Лкмон хаким хссий корхонаси	04.06.2018	1		
40	Саноат транспорт коллежи	Саноат транспорт коллежи	04.06.2018	2		
41	Когон ер кадастр	Когон ер кадастр	06.06.2018	1		
42	«Шохрд – Дустлик» ИТБ	«Шохрд – Дустлик» ИТБ	16.06.2018	14		
43	АООТ Когон дон	АООТ Когон дон	14.06.2018	6		
44	Когон ёғ экстракция заводи	Когон ёғ экстракция заводи	14.06.2018	12		
45	Шахар ДСИ	Шахар ДСИ	19.06.2018	1		
46	Шахар Молия булими	Шахар Молия булими	20.06.2018	1		

47	Зирабод тлик ширкати	Зирабод тлик ширкати	21.06.2018	7		
48	Бобр х/к	Бобр х/к	21.06.2018	4		
49	ООО Фаровон	ООО Фаровон	23.06.2018	1		
50	Иморат МП	Иморат МП	26.06.2018	11		
51	ООО Шарк	ООО Шарк	25.06.2018	9		
52	Компютех х/к	Компютех х/к	09.06.2018	1		
53	Имомназар МЧЖ	Имомназар МЧЖ	30.05.2018	1		
54	Когон Жура савдо	Когон Жура савдо	02.06.2018	1		
55	Когон Бухоро Коракул бирлашмаси	Когон Бухоро Коракул бирлашмаси	02.06.2018	6		
56	Когон ижс	Когон ижс	08.06.2018	1		
57	Махслот плюс савдо	Махслот плюс савдо	07.06.2018	1		
58	Агротехтранс ИЧСТК	Агротехтранс ИЧСТК	03.06.2018	1		
59	Прогресс вега плюс МЧЖ	Прогресс вега плюс МЧЖ	03.06.2018	10		
60	ЧП Шариф Камол	ЧП Шариф Камол	02.06.2018	2		
61	ЧТП Тахмина	ЧТП Тахмина	02.06.2018	1		
62	Камбарали ХЧКСК	Камбарали ХЧКСК	03.06.2018	2		
63	Когон Файз х/к	Когон Файз х/к	04.06.2018	1		
64	Ситора Ясмина қурлиш МЧЖ	Ситора Ясмина қрлиш МЧЖ	03.06.2018	1		
65	Восток плюс РСК МЧЖ	Восток плюс РСК МЧЖ	04.06.2018	1		
66	ОО гипс КНАФ	ОО гипс КНАФ	07.06.2018	5		
67	Интеграл Гранд ХЧК	Интеграл Гранд ХЧК	07.06.2018	2		
68	Медиомантаж сервис	Медиомантаж сервис	05.06.2018	1		
69	Когон неко МЧЖ	Когон неко МЧЖ	07.06.2018	3		
70	Когон Зирабод транс МЧЖ	Когон Зирабод транс МЧЖ	07.06.2018	1		
71	Маз Камаз сервис	Маз Камаз сервис	06.06.2018	2		
72	Чашм гавхари хусусий корхонаси	Чашм гавхари хусусий корхонаси	08.06.2018	2		
73	Когон нефтигазстрой ремонт МЧЖ	Когон нефтигазстрой ремонт МЧЖ	08.06.2018	7		
74	Нигора курлиш савдо МЧЖ	Нигора курлиш савдо МЧЖ	10.06.2018	2		
75	Йулсозлаш қурлиш сервис	Йулсозлаш қурлиш сервис	10.06.2018	1		
76	Мирзо ХК	Мирзо ХК	10.06.2018	1		
77	Когон бурғилаш ва қурлиш МЧЖ	Когон бурғилаш ва қурлиш МЧЖ	13.06.2018	2		
78	Стар Максима плюс МЧЖ	Стар Максима плюс МЧЖ	13.06.2018	2		
79	Когон омихта ем бирлашмаси	Когон омихта ем бирлашмаси	17.06.2018	1		
80	Когон строй транс МЧЖ	Когон строй транс МЧЖ	17.06.2018	4		
81	Бекзод «Б» хусусий фирмаси	Бекзод «Б» хссий фирмаси	17.06.2018	1		
82	Лддфазогир	Лддфазогир	19.06.2018	1		
83	Рахим Азизбек ХК	Рахим Азизбек ХК	19.06.2018	2		
84	Бухорогидро қрлиш	Бухорогидро қрлиш	19.06.2018	1		
85	Когоннефтигаз инжиниринг	Когоннефтигаз инжиниринг	19.06.2018	6		
86	СП ООО «Озода – Озод»	СП ООО «Озода – Озод»	27.06.2018	1		
87	Шахар ветеринария булими	Шахар ветеринария булими	27.06.2018	1		
88	Азия МЧЖ	Азия МЧЖ	27.06.2018	3		
ЖАМИ:				**734**	**3**	**52**

Когон шахар ИИБ ЙХХГ катта
инспектори **подполковник** **Б.С.Хамраев**

Шаҳар ҳокимининг 2018 йил ____ февралдаги
_____-сонли қарорига 2-илова

Техник кўрикни ўтказиш бўйича комиссия

ТАРКИБИ

Б.Хамроев	Когон шаҳар ИИБ ЙХХГ катта инспектори, комиссия раиси

Аъзолари

М.Самадов	Когон шаҳар транспорт Департаменти бошлиғи
Р.Холметов	Когон шаҳар Мудофаа ишлари бўйича бўлим бошлиғи
Ш.Жалилов	Бухоро-1 темир йўл устахонаси бошлиғи
Б.Комилов	Турбодеталь унитар корхонаси бошлиғи
Б.Шарипов	97-сон автокорхона акциядорлик жамияти раиси